

312

0-86

О. ОТАМИРЗАЕВ
И. КАТАНОВ

Дарфона воғиҳси даҳафлафи



ЎЗБЕКИСТОН ССР
„БИЛИМ“ ЖАМИЯТИ

О. ОТАМИРЗАЕВ,
география фанлари кандидати,

И. КАТАНОВ,
ТошПИнинг старший ўқитувчиси

ФАРГОНА ВОДИЙСИ ШАҲАРЛАРИ

(ДЕМОГРАФИЯ ТЎҒРИСИДА БАЪЗИ ФИКРЛАР)

№ 42

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг изашриёти
Тошкент — 1970

На узбекском языке

А. АТАМИРЗАЕВ, И. КАТАНОВ
ГОРОДА ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ
Некоторые аспекты демографии

Издательство ЦК Компартии Узбекистана
Ташкент — 1970

Таржимон Б. Юсупов
Редактор Т. Мирходиев
Техредактор В. Зубовская
Корректор В. Хакимов

Теришга берилди 10/VIII 1970 й. Босишига рухсат этилди 29/XII-
1970 й. Қоғоз формати 84×108/ $\frac{1}{2}$, Босма листи 1,0. Шартли
босма листи 1,68. Нашриёт ҳисоб листи 1,62. Тиражи 14830.
Нашр № 112. Р 17311. Заказ № 2459. Баҳоси 6 тийин.

Ўзбекистон КП Марказий Қемитети нашриётининг босмаҳо-
наси. Тошкент, „Правда Востока“ кӯчаси, уй № 26.

312
0—86

Отамирзаев О. ва Катанов И.
Фарғона водийси шаҳарлари. (Демография
тўғрисида баъзи фикрлар). Т., Узбе-
кистон КП МКнинг нашриёти, 1970.
32 бет. (ЎзССР «Билим» жамияти № 42).

I. Соавт.:
Атамирзаев А. и Катанов И. Города
Ферганской долины.

312+9(С 52)

КИРИШ

Коммунистик қурилиш тажрибаси аҳолининг жамиятда асосий ишлаб чиқарувчи куч сифатида шаклланишидек проблемани атрофлича ўрганиш ва илмий жиҳатдан ҳал этишни тақозо қиласди. Шу муносабат билан халқ хўжалигини перспектив планлаштириш, иқтисодий лойиҳалаш, умуман ишлаб чиқариш кучларини рационал жойлаштириш проблемасини муваффақиятли ҳал этиш мақсадида шаҳарлар ва айрим иқтисодий районлар аҳолисини ўрганиш катта аҳамиятга эгадир. Бу масалаларни шаҳарлар аҳолиси сонини етарлича аниқлик билан белгиламай ва унинг ривожланиш қонуниятларини, ишга қобилиятли аҳоли сонини ва таркибини ўрганмай, унинг жинс, ёш структурасини, турли хил функционал типдаги шаҳарларда иш билан бандлиги дараражасини таҳлил қилмай туриб ҳал этиш амри-маҳол. Шу боисдан ҳам аҳоли структураси ва таркиби, унинг табиий ва механик ҳаракати ҳамда ишчи кучини кўпайтиришга таъсирини ўрганиш ҳозирги босқичдаги регионал тадқиқотларда янада муҳим ва актуал аҳамият касб этмоқда.

Социалистик ишлаб чиқариш халқ хўжалигининг планли ва пропорционал ривожланиш қонунига амал қиласган ҳолда тараққий этади. Бундан ташқари у ишлаб чиқаришга ишчи кучининг планли ва рационал жалб этилишини тақозо қиласди. Шу сабабли социалистик жамият ўзида мавжуд меҳнат ресурсларининг миқдори ва таркибига бефарқ қарай олмайди, аксенича у ёки бу иқтисодий районда юз бераётган барча демографик жараёнлар билан доимо қизиқиб туради. Айрим районлар ва шаҳарлардаги демографик вазият ҳақидаги аниқ ва

тұла маълумоттарнинг мавжудлігін умуман, ақолини, шу жумладан ишчи күчнің күпайтынші режиминың түғри белгілаш имконини беради. Демографик жараёнларни ўрганиши туғилиш даражасидаги номувозанатликни, миграция оқымларнини, әркак ва хотин-қыз ишчи күчларындағы үртасидаги иисбатни аниқлаш **ва** бошқалар учун ҳам зарурдир. Оқибат-натижада бу **халқ** хұжалиги әхтиёжлари билан ишчи күчи үртасидаги иисбатни айрим иқтисодий районлар, шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг спецификалық хусусиятларнини ҳисобға олған ҳолда таъминлаш имконини беради. Ақоли ва мәҳнат ресурсларининг шаклланиш жараёнида бу масалалар жуда ҳам мұхимлиги сабабли шаҳарларнинг демографик тараққиети масаласи тобора күпроқ әзтиборни жалб этмоқда.

Айрим шаҳарлар ёки умуман шаҳар тармоғи ақолисининг иқтисодий-географик район чегарасыда тараққиетининг ҳозирғи замон тенденцияларини аниқлаш алоҳида мұхим ақамніят касб этмоқда. Ҳозирғи пайтда ана шундай тадқиқотларсиз иқтисодий лойиҳалаш ва шаҳар қурилишин масалаларини илмий жиҳатдан асосланған ҳолда ҳал әтиш мүмкін эмаслиги тобора равshan бўлиб бормоқда.

Ҳозирғи босқичда халқ хұжалигини планлаштириш ақоли ривожланиши жараёнларини ва асосий демографик ҳолатлар тенденциясини фақат биргина иттифоқчи республика ёки иқтисодий район миқёсида эмас, балки мураккаб социал-иқтисодий организм деб қаралувчи алоҳида шаҳарлар миқёсида улардаги ақолининг ўзига хос табиий ва механик ҳаракати хусусиятлари билан қўшиб ўрганиши ва аниқлашни тақозо қиласди.

СССР бўйича, айрим иттифоқчи республикалар бўйича ўртача олииган ва одатда назарий ҳолда амалий вазифаларни ҳал әтишда фойдаланиб келинаётган демографик кўрсаткичлар, гарчанд бу жараёнлар ҳатто алоҳида шаҳарлар туркуминшиг ўзида ҳам бир-биридан сезиларли даражада фарқ қылса-да, ўрганилаётган районлар ақолисининг ривожланиш тенденциясини түғри аниқлаш имконини бера олмайди.

Муайян вазифалар туркумига эга бўлган социал-иқтисодий организм сифатида шаҳарнинг ўзига хос демографик ва иқтисодий ривожланиш хусусиятлари мавжуд. Бу маълум даражада унинг социал-тарихий ва табиий шароитлари комплекси билан белгиланади.

АХОЛИ ДИНАМИКАСИ

Фарғона водийси мамлакатимиздаги анча кўҳна аҳоли райони бўлиб, қишлоқ аҳолисининг юксак даражада зичлиги билан ажралиб туради. Водийда аҳоли яшай бошлаганинг тарихий-географик хусусиятларига бевосита боғлиқ ва у ерда шаҳар аҳолисининг жойлашини ва ривожланиши характерида бу ўз аксни топгаандир.

Бутун Урта Осиё сингари Фарғона водийси ҳам ўтмишда чор Россиясининг ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти даражаси суст бўлгац қолоқ ўлкаси эди. Бу ерда стиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — пахта, пилла, мева ва бошқаларнинг анчагина қисми рус мустамлакачилари ва маҳаллий феодалларнинг бойлик ортириш манбай бўлиб хизмат қиласади.

Қишлоқ хўжалик хом ашёсини саноат йўли билан қайта ишлаш жуда ҳам суст ривожланган бўлиб, у жами ижтимоий маҳсулотнинг 2 процентдан озроқ қисмини ташкил этарди. Эндиғина куртак ёзиб келаётган саноатда алмисоқдан қолган техника ишлатиларди, қишлоқ хўжалигига эса аҳвол бундан ҳам баттар эди. Иқтисодий қолоқлик аҳолининг ривожланиш характерига таъсир қилмасдан қолмади.

Туркистонда Ўлуғ Октябрь социалистик революциясининг галаба қозониши Фарғона водийси бутун экономикасининг янги социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари негизида ривожланишида бурилиши ясади. Совет ҳокимияти йилларида Фарғона водийси Урта Осиёнинг ҳар томонлама ривожланган иқтисодий районига айланди.

Ҳозирги пайтда Фарғона водийсида 3.803 минг киши истиқомат қиласади¹, бу Ўзбекистонда яшайдиган барча аҳолининг 29,6 процентига тенгдир. Водий аҳолисининг умумий таркибида шаҳар аҳолисининг салмоги 28 процентга тенг, яъни 876,6 минг кинидан иборат. Ҳозирги пайтда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг бир-бираига нисбати секинлик билан ўзгармоқда. Бу Фарғона водийси индустрлашувининг объектив процессини ўзида акс этиради.

Совхоз ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиши, моддий турмушининг яхшиланиши, ўсиш суръатлари гарчанд республикамиздаги ўртача кўрсаткичдан

¹ Маълумот 1968 йилининг 1 январига олинган.

анча паст бўлса-да, Фарғона водийси аҳолисининг Совет даври тараққиёти давомида нисбатан тез ўсишига олиб келди. Масалан, 1939 йилдагига қараганда водий аҳолиси 58 процент кўпайди, айни пайтда Ўзбекистон аҳолиси ана шу давр ичидаги 77 процент ўсди.

Совет даврида Фарғона водийси шаҳар аҳолиси анча тез суръатлар билан ўсди. Бунга янги саноат ва маданий марказларнинг вужудга келиши, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида механизациялаш даражасининг тўхтовсиз ошиши туфайли анча миқдорда қишлоқ меҳнат ресурсларининг бўшаши сабаб бўлди. Бироқ, яна шуни қайд этиш керакки, маҳаллий қишлоқ аҳолисининг саноатга суст жалб этилиши сабабли водийда шаҳар аҳолиси асосан шаҳарлар ўз аҳолисининг табиий ҳаракати ва мамлакатимизнинг бошқа районларидан кўчиб келганлар ҳисобига кўпайди. Бу факат Фарғона водийсидагина эмас, балки бутун Ўзбекистонда урбанизация (саноат ва аҳолисининг йирик шаҳарларда тўпланиши) жараёнининг ривожланиши учун характерли хусусиятдир.

1939 йилдан 1968 йилгача Фарғона водийсининг шаҳар аҳолиси 500 минг кишидан кўпроқ ошиди, яъни 2,4 баравар ўсди. Шу давр ичидаги шаҳар аҳолисининг ўртача йиллик ўсиш суръати 4,4 процентга тенг бўлди; бу водийдаги бутун аҳолининг ўсиш суръатидан 2 баравардан зиёд. Бу, шубҳасиз, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги нисбатнинг шаҳар фойдасига ўзгаришига олиб келди.

I-жадвал

Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқ аҳолиси нисбатининг ўзгариши (минг киши)

Йиллар	Барча аҳоли	Шу жумладаи		Бутун аҳоли сонига нисбатан процент ҳисобида	
		шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси	شاҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
1939	1953	375	1578	19	81
1959	2301	630	1671	27	73
1965	2781	794	1986	27	73
1968	3083	876	2206	28	72

Фарғона водийсида шаҳар ва қишлоқ аҳолиси нисбатининг ўсиши бу процесснинг мамлакатимизнинг бошқа кўпгина, айниқса индустрисал районларидағи ривожланишидан анча фарқ қиласди. Водийда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси нисбатининг шаҳар фойдасига ўзгариши мамлакатимизнинг юксак даражада индустрлашган районларда бўлгани каби қишлоқ аҳолисини абсолют камайтириш ҳисобига эмас, балки шаҳар аҳолисининг қишлоқ аҳолисига нисбатан анча тез суръатлар билан ўсиши туфайли юз беряпти. Масалан, кейинги 30 йил ичидагар Фарғона водийси шаҳар аҳолисининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари, гарчанд қишлоқда табиий ўсиш шаҳардагидан устун бўлса-да, қишлоқ аҳолисининг ўсиш суръати (1 процент)дан 4 баравар зиёд бўлди.

Водийда маҳаллий қишлоқ аҳолисининг бутун республикадагидек юксак даражада табиий ўсиши туфайли қишлоқ аҳолиси тобора кўпаймоқда. Бунга маҳаллий аҳолининг қишлоқдан шаҳарга азалдан суст кўчиши ҳам сабабчидир. Шундай қилиб, Фарғона водийсида шаҳар аҳолисининг тез суръатлар билан ўсиши ҳали ҳам аҳолининг юксак даражада табиий равишда кўпайшининг, мамлакатимизнинг бошқа районларида анча миқдорда юқори малакали кадрлар кўчиб келишининг, қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарларга айланиб кетишининг, қишлоқ аҳоли жойларининг шаҳарларга қўшиб юборилишининг, шунингдек, қишлоқ-шаҳар миграциясининг натижасидир.

Фарғона водийсида шаҳар аҳолисининг ривожланиши эски шаҳарларнинг доимий равишида ўсиб туриши натижасида ҳам, янги шаҳарларнинг пайдо бўлиши натижасида ҳам юз берәёттир. Бу водийда индустрлаштириш, урбанизация, ишлаб чиқариш кучларининг доимий равишида ривожланиши юз берәётганини яққол акс эттиради.

Хозирги пайтда водийда 8 та шаҳар ва 20 та шаҳар типидаги посёлка жойлашган. Шаҳарларнинг 70 проценти янги барпо этилгандир. Агар революциягача Фарғона водийсининг шаҳар тармоғини фақат 6 тагина шаҳар ўзида мужассамлаштирган бўлса, Советлар замонасида бу ерда 2 та янги шаҳар — Ленинск ва Кувасой бунёд этилди, шаҳар типидаги Чуст посёлкаси шаҳарга айлантирилди.

Водийдаги кўҳна шаҳарларда ҳам аҳоли сони анча

ошди. Улар орасида айниқса Фарғона, Андижон, Наманган алоҳида ажралиб туради. Бу шаҳарларда аҳоли 1897 йилдан 1968 йилгача ўтган давр ичидаги 10,8; 3,7 ва 2,6 баравар кўпайди.

2-жадвал

Фарғона водийси шаҳарларида аҳоли сонининг ўсиши (минг киши)

	1897 й.	1926 й.	1939 й.	1959 й.	1965 й.	1968 й.
Андижон	47,6	73,5	84,7	130,1	159,1	172,5
Наманган	62,0	73,6	79,5	123,5	150,4	163,7
Қўқон	81,4	68,3	84,6	105,1	125,5	133,9
Фарғона	8,9	14,3	35,6	80,2	89,4	95,1
Марғилон	36,5	44,3	46,0	68,0	86,2	91,8
Ленинск	—	6,8*	11,8	20,4	25,3	26,8
Чуст	13,7	14,3	14,8	16,6*	21,6*	23,3
Қувасой	—	—	4,6*	10,8	12,8	13,7

* Шу йили шаҳар тишидаги посёлка бўлган.

Иккинчи жадвалдан кўринниб турибдики, Фарғона водийсида аҳолиси 100 минг кишидан кўп бўлган шаҳарлар анчагина. Уларда водий шаҳар аҳолисицинг 80 проценти истиқомат қиласди. Яқин йиллар ичидаги «юз мингчи» шаҳарлар тоифасига Фарғона ва Марғилон қўшилди. Ҳар иккала шаҳарда кейинги йилларда аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 2.000 кишидан зиёд бўлмоқда.

Ленинск, Қувасой, Чуст каби шаҳарларда аҳоли сонининг анча камлиги уларнинг ҳали ёшлиги билан изоҳланади. Шаҳар сифатида улар яқиндагина пайдо бўлди — Қувасой бундан 15 йил, Ленинск 20 йил, Чуст бир йил олдин шаҳарлар тоифасига қўшилган. Аста-секин бу шаҳарларда ҳам саноат ва маданий марказларнинг ривожланиши билан аҳоли сони тобора кўпая боради.

Аҳоли сонининг кўплиги билан шаҳар тишидаги посёлкалар орасида Косонсой (12,6 минг), Московский (11,4 минг), Куйбишев (Риштон) (11 минг), Учқўрғон (11,2 минг) ажралиб туради.

АҲОЛИНИНГ ТАБИИ ҲАРАКАТИ

Аҳоли сонининг ўсиши аҳамияти жиҳатидан турлича иккита демографик жараён — табиий ва механик ҳаракатининг ўзаро таъсрига боғлиқдир. Бу жараёнларнинг хусусиятлари ва ривожланиш характерига қараб турли районларда ва айрим шаҳарларда уларнинг ишчи кучи шаклланишига таъсир қилиш даражаси жуда ҳам турли бўлиши мумкин.

Меҳнат ресурсларининг шаклланиши бутунлайича аҳолининг механик тарзда ўсишига боғлиқ бўладиган районлар ва шаҳарлар группасини ҳам учратиш мумкин. Булар, асосан, туғилиш ва аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичлари паст бўлган, шунингдек, янги ўзлаштирилаётган районлар ва гуркираб ўсаётган ёш шаҳарлардир.

Иккинчи группага оид районларда меҳнат ресурсларининг шаклланиши аҳолининг табиий ўсиши таъсири остида юз беради. Бу ўринда туғилиш кўрсаткичлари ўртача ва юқори бўлган, аҳолининг механик тарзда зичлашуви суст районлар ажралиб туради. Маҳаллий аҳолининг туғилиш даражаси юксаклиги ҳисобига табиий ўсиш суръатлари жадал бўлгани ҳолда аҳолининг ҳам механик, ҳам табиий ҳаракати кўрсаткичлари юксак бўлган районлар алоҳида группани ташкил этади. Биз ҳикоя қилаётган Фаргона водийси худди ана шундай группага мансубдир.

Водийда аҳоли кўпайишининг асосий манбай табиий ҳаракатдир. Бу, водийдаги шаҳар аҳолисига ҳам бутунлай тааллуқлидир. Бироқ айрим группадаги районлар чегарасида ҳам аҳолининг шаклланиши йўлида жиддий тафовутлар ва ўзига хос хусусиятлар кузатилади.

Демографик жараёнлар ривожида асосий роль табиий шароитларнинг ҳам анчагина таъсири бўлгани ҳолда социал-иқтисодий факторларга мансубдир. Шу билан бирга бу факторларнинг аҳолининг табиий ва механик ҳаракатига турлича даражада ва суръатда таъсири борлигини аниқлаш мுҳимдир.

Ўрта Осиё аҳолиси табиий ҳаракатининг ривожланиш тарихи шуни кўрсатдики, Совет даврида республика социал-иқтисодий шароитларнинг ўзгариши аҳолининг табиий ўсиш кўрсаткичларига сезиларли-таъсир қилмади. Табиий демографик жараёнлар, айниқса туғилиш

даражаси жуда секинлик билан ўзгаради. Ижтимоий тузумнинг революцион қайта ўзгаришлари натижасида туғилиш кўрсаткичлари кескин ўзгаради, деб ўйлаш ярамайди. Чунки туғилиш даражаси социал-иқтисодий шароитлардан ташқари биологик, психологик, маданий, диний ва бошқа факторларнинг мураккаб комплекси таъсири остида ўзгаради. Шу билан бирга бу ўринда халқларнинг табиий демографик жараёнларнинг ривожланиш характерида бевосита ўз аксини топадиган миллий хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу айниқса бутун СССР бўйича ва алоҳида миллий республикалар бўйича демографик ҳолатлар ривожланишини кузатганда кўзга яққол ташланади. Бундай ҳолда туғилиш ва аҳолининг табиий ўсиш кўрсаткичлари кескин ўзгариб туринини кўриш мумкин.

Бироқ шуни эсда тутиш керакки, социал-иқтисодий шароитлар ривожланиши демографик жараёнлар ва шу жумладан туғилишни бошқариш учун кенг имкониятлар яратиб беради. Ишлаб чиқариш ва моддий бойликларни таҳсиллашнинг социалистик усули рационал демографик сиёсатини белгилаш йўли билан туғилишнинг зарур даражасини таъминлаш учун ҳар томонлама шароит туғдиради. Шу муносабат билан туғилишни оширишга сўзсиз ёрдам берадиган тадбирлар системаси, асосан моддий характердаги тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.

Туғилишдан фарқ қила бориб, ўлиш даражаси социал-иқтисодий шароитларга бевосита боғлиқдир. Социал-иқтисодий шароитларнинг тубдан яхшиланиши ўлиш даражасини кескин камайтиришга бевосита ёрдам беради.

Шу сабабли социал-иқтисодий ўзгаришларнинг ўлиш даражаси кескин камайиши ва туғилиш даражасининг юксаклиги билан характерланадиган бошланғич даври аҳолининг табиий ўсиши кўрсаткичлари юксаклиги билан ажралиб туради.

Кейинчалик бу иккала асосий демографик кўрсаткичларнинг ҳаракат суръатлари ўртасида жуда жиддий тафовутлар стабиллашгани ҳолда жамиятда амалга оширилган маданий-техника ўзгаришлари, индустрлаш ва урбанизация жараёнларининг тез тараққиётининг аксионатида туғилишнинг аста-секин камая бориши кузатилади. Бу аҳолининг табиий ўсиши аста-секин кама-

йишининг оқибатидир. Чунки аҳолининг табии үсиши туғилиш даражаси тараққиёти тенденцияларига бевосита боғлиқдир.

Механик ҳаракат жараёнлари жамият тараққиётининг социал-иқтисодий шароитларига аҳолининг табии ҳаракати жараёнларпга қараганда кўпроқ даражада боғлиқдир.

Жамият социал-иқтисодий тараққиётининг турли даврлари учун миграциянинг турлича специфик формалари, турлари ва даражаси характерлидир.

Капитализм учун аҳоли механик ҳаракати турли формаларининг юксак даражада ривожланиши характерлидир. Бу жараёнлар шаклланиши негизида капиталистик ишлаб чиқариш усулининг ўз табиатидан келиб чиқаётган стихиялилик устун бўлади.

Социализм даврида экономикани планли ва пропорционал тарзда ривожлантириш қонунининг амалда қўлланилиши аҳоли механик ҳаракати учун миграциянинг кўпроқ учрайдиган форма ва турлари характерида, суръатларида, шаклланишида бевосита акс этадиган мутлақо бошқача базани вужудга келтиради.

Шундай қилиб, социал-иқтисодий шароитларининг ўзгариши натижасида миграция жараёнларининг характеристики ҳам кескин ўзгаради. Чунки улар ишлаб чиқарниш муносабатларининг мутлақо янги негизида шаклланади ва янада ривожланади. Ишлаб чиқариш муносабатлари ўз навбатида социал, маданий-маиший, табиий йўсингаги қатор шароитлар билан биргаликда аҳоли механик ҳаракатининг асосий шакллантирувчи омили сифатида майдонга чиқади.

Демографик жараёнларининг янги социал-иқтисодий шароитларда юқорида зикр қилинган йўналишларда ривожланиши аҳоли сони үсиши учун ўзига хос шароитларга эга бўлган барча иқтисодий районлар ва иттифоқчи республикалар учун характерлидир. Бироқ, социал-иқтисодий ўзгаришларининг инсбатан бир хил шароитлари мавжудлигига қарамай, ҳозирги пайтда турли иттифоқчи республикаларда турлича демографик вазият пайдо бўлган. Бу социалистик қурилиши йилларида аҳоли сони үсишининг тарихий, миллий хусусиятларин, айрим халқларининг иқтисодий ва маданий равнақининг ўзига хос йўлларининг маълум даражадаги аксидир.

Фарғона водийси шаҳарларида кейинги 9 йил (1960—

1968 йиллар) ичидә юз берган асосий демографик жа-
раёнларни тадқиқ қилиш аҳоли сони ўсишининг рес-
публикадаги бошқа кўпгина шаҳарларга ҳам кўп жиҳат-
дан характерли бўлиб ҳисобланган ҳозирғи баъзи бир
тэнденцияларини аниқлаш имконини берди.

Фарғона водийсидаги ҳар бир шаҳар бўйича туғилиш
коэффициенти динамикасининг алоҳида-алоҳида, барча
шаҳарлар бўйича ўртача коэффициентининг анализи
шаҳарларда туғилиш даражасининг ҳаракатида жиддий
тафовутлар борлигини кўрсатади.

Водийдаги айрим шаҳарларда туғилиш коэффициенти-
нинг тадқиқ қилинган 9 йил ичидаги фарқи 12,4 про-
милни ташкил этади. Масалан, 1966 йилда туғилишнинг
энг кўп коэффициенти 42,8 промилни (Қувасой шаҳри),
энг кам коэффициенти 20,6 промилни (Фарғона шаҳри)
ташкил этди. Шундай қилиб, фарқ 22,2 промилни таш-
кил этди ва бу ана шу шаҳарлардаги туғилишнинг
ўртача коэффициентлари фарқидан қарийб икки бара-
вар кўпdir.

Умуман, Қувасой шаҳри туғилиш даражаси юқори-
лиги билан ажралиб туради. Шаҳарда аҳолининг ўртача
туғилиш коэффициенти 9 йил ичидаги 38,0 промилл бўл-
гани ҳолда, 1963 йилда энг кам коэффициент (32,7
промилл,) 1966 йилда энг кўп коэффициент (42,8 про-
милл) кузатилди. Ленинск (37,4 промилл) ва Марғилон
(36,8 промилл) шаҳарлари ҳам туғилиш даражаси
юқори шаҳарлардандир.

Тадқиқ қилинган йиллар давомида Фарғона шаҳрида
туғилиш коэффициенти энг камлиги кузатилди; бу ерда
ўртача кўрсаткич 25,6 промилни ташкил этди (3-жад-
валга қаранг).

Айрим шаҳарларда туғилиш кўрасткичларининг маз-
кур жадвалдан кўриниб турган жиддий тафовутлари
кўплаб ўзаро алоқадор мураккаб факторларга боғлиқ-
дир. Бу ҳодисаларининг маълум бир сабабларини аниқ-
лаш жуда ҳам қийини. Лекин туғилиши даражаси билан
аҳолининг жинис-ёш структураси, никоҳ, этник тажриба,
билими ва маданий савиаси ўртасида маълум даражада
алоқа мавжуд, деб қайд этиш мумкин. Хотин-қизларни
ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш даражаси ҳам
туғилишга катта таъсир кўрсатади. Шу нарса тасдиқ-
ландики, хотин-қизларнинг халиқ хўжалигида бандлиги
туғилишга тескари пропорционалдир.

**Фарғона водийси шаҳарларида аҳолининг туғилиш
коэффициентлари**

	1959	1960	1961	1962	1963	1964	1965	1966	1967	Ўртача бир йиллик туғилиш
Қувасой . . .	35,9	43,7	41,1	38,0	32,7	35,2	39,3	42,8	39,5	38,0
Ленинск . . .	34,9	39,4	39,6	35,9	40,7	37,6	33,4	40,5	34,4	37,1
Марғилон . . .	35,9	40,8	39,3	39,6	36,4	36,2	35,7	33,8	33,7	35,6
Наманган . . .	31,3	33,6	29,8	31,2	29,2	33,0	29,2	28,9	31,9	31,2
Андижон . . .	29,0	30,7	30,1	30,8	28,6	30,6	31,2	28,2	31,8	30,9
Қўқон . . .	30,5	36,8	33,0	31,7	27,4	27,6	23,4	24,2	23,0	28,6
Фарғона . . .	29,1	30,0	31,3	31,0	24,6	23,9	21,7	20,0	18,1	25,6
Водий шаҳарлари бўйича ўртача коэффициент	32,4	36,4	34,9	34,0	31,4	32,0	30,5	31,3	30,3	32,7

Фарғона шаҳрида туғилиш даражасининг нисбатан камлиги маълум бир тарзда шаҳар аҳолисининг составида европаликларнинг кўплиги билан изоҳланади. Фарғона европалик аҳолиси туғилиш даражасининг пастлиги билан характерли бўлган ҳолда аҳолининг кўпчилик қисмини ташкил этадиган ягона шаҳардир.

Умуман олганда этник белгилар фақат Фарғона водийси шаҳарлари эмас, балки бутун Ўрта Осиёда туғилиш даражасининг юқори ёки паст бўлишида муҳим омиллардандир. Маҳаллий аҳоли кўпчиликни ташкил этган шаҳарларда туғилиш одатда юксак даражададир. Фарғона водийсининг маҳаллий аҳолиси ўртасида туғилиш даражаси европалик аҳолига нисбатан ҳамон юқоририлигича қолмоқда. Шунинг учун ҳам, гарчанд бутун СССР бўйича туғилиш даражаси камайишнинг умумий тенденцияси акси сифатида шаҳарларда туғилишнинг анча камайиш тенденцияси кузатилган бўлса-да, бу ерда аҳоли табиий кўпайишнинг Иттифоқ бўйича кўрсаткичларга қараганда анча барқарор кўрсаткичлари ажралиб туради.

Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, туғилишнинг юқори кўрсаткичлари водийдаги унча катта бўлмаган шаҳарлар (Қувасой, Ленинск) учун характерли бўлиб, бу

уларнинг халқ хўжалик профилиниң шаклланиш мөҳияти ва аҳолисининг таркиби билан изоҳланади. Одатда кичик ва ўрта шаҳарлар аҳолиси таркибидан ёшлар, шу жумладан «наслли» ёшлар кўплиги билан жаралиб туради. Шу сабабли бундай шаҳарларда ёшларнинг турмуш қуриш кўрсаткичлари юксак бўлади, бу эса ўз навбатида туғилиш даражасига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бу факторлар нисбатан яхши уй-жой шароитлари, хотин-қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда кам бандлиги билан қўшилиб кичик шаҳарларда туғилиш даражасининг юқори бўлишига олиб келади.

Туғилишнинг ўртача коэффициенти динамикасини ўрганиш (Фарғона водийсидаги барча шаҳарлар бўйича 1959 йилдан 1968 йилгacha давр ичида) шаҳар аҳолиси ўртасида туғилиш даражасининг анча камайганлигини кўрсатди. Агар 1959 йилдан 1964 йилгacha уларда туғилишнинг ўртача коэффициенти 33,5 промилни ташкил этган бўлса, кейинги уч йил (1965—1967 йиллар) ичида 30,4 промилни ташкил этди, яъни туғилиш 3,1 промилл камайиб кетди. Водий шаҳарларида туғилишнинг ўртача коэффициенти тадқиқ қилинган 9 йил ичида эса 32,6 промилни ташкил этди.

Шундай қилиб, аҳоли туғилишининг умуман мамлакатимизга хос умумий камайиш тенденцияси, гарчанд туғилиш даражаси умумиттифоқ кўрсаткичидан деярли 2 баравар юқори бўлса-да, Фарғона водийсидаги шаҳарларда ҳам яққол кўзга ташланади.

Кейинги йилларда ССРДа, шу жумладан, Фарғона водийси шаҳарларида туғилишининг камайишига қатор маълум социал-иқтисодий характердаги факторлар билан бир қаторда, бизнинг фикримизча, Улуғ Ватан урушининг салбий демографик оқибатлари асосий сабаб бўлди.

Кейинчалик, уруш оқибатларининг табиий демографик жараёнлар ривожига таъсири камая борган сари туғилиш даражасининг стабиллашувини кутиш мумкин. Кейинги йилларда Фарғона водийси шаҳарларида анашу тенденция кузатилмоқда.

Аҳоли сониний ўсишига бевосита таъсир қиласидиган яна бир муҳим демографик кўрсаткич ўлимдир. Ўлим коэффициенти унча катта бўлмаган давр ичида жиддий ўзгаришларга кам учради. Бироқ Фарғона водийсининг шаҳарларида аҳолининг ўлиш даражаси ҳаракатини

Фарғона водийси шаҳарларида ўлим коэффициенти

	1959	1960	1961	1962	1963	1964	1965	1966	1967	9 йил ичидаги уртаса коэффициент
Қўқон	9,0	8,6	8,1	8,5	7,8	7,2	8,1	7,1	6,6	7,8
Фарғона	6,9	6,9	7,2	7,5	7,3	7,0	7,7	6,6	7,0	7,1
Марғилон	8,5	7,6	7,3	8,1	9,3	7,3	6,9	7,0	7,1	7,6
Қувасой	9,7	9,0	9,3	9,4	8,6	7,3	7,4	6,4	7,2	8,1
Наманган	7,7	6,9	6,6	7,6	7,8	7,6	5,8	7,7	7,4	7,2
Ленинск	10,6	10,8	8,9	12,0	10,0	8,2	10,7	7,5	7,3	9,7
Андижон	7,9	7,8	7,0	7,8	6,6	6,7	7,6	7,2	8,0	7,4
Водий шаҳарлари бўйича уртаса коэффициент	8,6	9,4	7,7	8,5	8,2	7,7	7,1	7,3		7,8

анализ қилиш шуни кўрсатдиги, бу ерда ўлим даражаси тадқиқ қилинган 9 йил ичидаги анча камайди.

1968 йилда Фарғона водийси шаҳарларида ўлим 1959 йилдагига қараганда 1,3 промилл камайди. Баъзи шаҳарларда ўлим даражаси янада сезиларли камайди. Масалан, Ленинск шаҳрида ўлим даражаси 1959 йилдаги 10,9 промилдан 1967 йилга келиб 7,9 промилгача, яъни 3 промилл камайди, шу давр ичидаги Қувасоидаги ўлим 2,5 промилл, Қўқонда 2,4 промилл камайди.

Фарғона водийси шаҳарларида аҳоли ўлимининг камайиши соғлиқни сақлаш ишларининг тўхтосиз ривожлантирилиши, аҳолининг моддий фаровонлиги ва маданий савиёси оширилганининг натижасидир.

Туғилиш билан ўлим ўртасидаги фарқ аҳоли сонининг табиий ўсиш даражасини белгилайди. Ўсиш коэффициенти турли шаҳарларда ўлим даражаси нисбатан бир хил бўлган тақдирда бутунлай туғилишга боғлиқдир. Тадқиқ қилинган давр (1959—1967 йиллар)даги табиий ўсиш коэффициентларининг анализи уртаса кўрсаткичлардаги сингари айrim шаҳарларининг ҳар йилги коэффициентларида жиддий фарқлар борлигини кўрсатди.

Табии ўенининг юқеак суръатларини туғилиш дара-жаси юқори бўлган шаҳарларда (Қувасої, Марғилон, Ленинск), паст суръатларини эса туғилиш коэффициенти нисбатан унча кўп бўлмаган шаҳарларда (Фарғона, Кўқон) кузатиш мумкин.

Ўлимнинг кескин камайиб бораётганлиги туфайли тадқиқ қилинган 9 йил мобайнида аҳоли сонининг табии ўсиш коэффициенти нисбатан стабил бўлиб қолган. Айни пайтда айрим йилларда анча сезиларли тебранишларни ҳам учратамиз.

Баъзи шаҳарларда тугилишининг юқори кўрсаткичлари сақланиб қолганилиги ва ўлим даражасининг анча камайганлиги сабабли аҳоли сонининг табии ўсиш коэффициенти кейинги йилларда ҳатто анча ошган (Қувасої, Ленинск).

Умуман олганда, Фарғона водийси шаҳарларида аҳоли сонининг табии ўсиши юқеак бўлиб, бу келгусида аҳоли сонининг ва меҳнат ресурслариниг кўпайиши учун бирдан-бир гаровдир.

МИГРАЦИЯ

Фарғона водийсида шаҳар аҳолисини тўлдиришнинг навбатдаги жиддий манба миграциядир. Механик ўсиш ҳам меҳнат ресурсларини кўпайтиришда муҳим фактор бўлиб хизмат қиласи. Чунки аҳоли миграциясида асосан ишга қобилиятли кишилар иштирок этади. Бу фақат ишчи кучини кўпайтиришдагина эмас, балки жинс-ёш структирасини шакллантиришда, Иттифоқ миқёсида ишга қобилиятли аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг халқ ҳўжалигининг турли тармоқларига қайта тақсимлашда ҳам ўз аксини топади.

Механик ўсиш ҳисобига водийда шаҳар аҳолиси сони ҳар йили 6 минг киши кўпаймоқда; бу табии ўсишга нисбатан анчагина камдир. Материаллар таҳлили шуни кўрсатдики, Фарғона водийсидаги айрим шаҳарлар ва шаҳар типидаги посёлкаларда шаҳар аҳолисининг механик кўпайиши кўрсаткичларида каттагина жиддий тафовутлар мавжуд.

Фарғона шаҳрида аҳоли сонининг умумий ўсишида миграция жараёнларининг улуси катта. Шаҳар аҳолиси кейинги 7 йил ичидаги 14 минг киши кўпайди. Шу

нўсинда Фаргона аҳолиси сони ҳар йили 2 минг кишидан кўпаймоқда. Бу эса шаҳар аҳолисининг табиий ҳаракат ҳисобига ўсишидан тахминан 2 баравар кўп, демакдир. Фаргона шаҳри аҳолиси сонининг ўсиш параметрлари шаҳар аҳолисининг этник таркиби, шаҳарниң функционал профили ва водийдаги маъмурий-ташкилий роли билан ҳам изоҳланади.

Водийдаги унча катта бўлмаган шаҳарлар (Қувасой, Ленинск)да аҳоли умумий ҳаракатида механик ўсишниң роли унчалик катта эмас. Буни ўша шаҳарларда аҳоли сонининг табиий ўсиши кўрсаткичлари юқоришлиги ва уларда меҳнатга жалб этиш кўламлари торлиги билан изоҳлаш мумкин.

Одатда, кичик шаҳарлар қишлоқ аҳолисини кейинчалик янада йприк саноат ва маданият марказларига кўчириш учун трамплин бўлиб хизмат қиласди, дейишади. Бироқ, бу Фаргона водийси учун характерли хусусият эмас. Чунки бу ерда маҳаллий қишлоқ аҳолисининг сафарбарлик қобилияти иисбатан суст.

Маҳаллий қишлоқ аҳолисининг шаҳарга кўчишида асосий сабаблардан бири уларниң маҳсус билим ёки маълум бир малакага эга бўлиш учун интилишидир. Ишга жойлашиш, бунинг устига саноат корхоналарига ишга кириш ҳоллари миграцияниң иккинчи даражали факторидир. Шу сабабли маҳаллий аҳоли бевосита йирик илмий ва маданий марказлар ҳисобланган йирик шаҳарларга кўчиб ўтади.

Аҳолининг механик ҳаракати тенденцияси ва характери айрим шаҳарлар ва шаҳар типидаги посёлкалар учун бир хил эмас, бу турли фактор ва сабаблар йиғиндининг таъсири билан белгиланади. Фаргона водийсида аҳолининг механик ҳаракати характерлари ва ҳозирги замон тенденцияларига қараб шаҳарлар ва шаҳар типидаги посёлкалар бир-биридан қўйндагилар билан фарқ қиласдилар:

1. Механик ҳаракатининг юксак кўрсаткичларига эга бўлган, яъни миграцияниң аҳоли умумий ўсишидаги улуши 15—60 процентни ташкил этган шаҳарлар;

2. Механик ўсиш бўлмаган ёки механик ўсиш унчалик сезиларли бўлмаган (0—15 процент) шаҳарлар;

3. Миграцияниң салбий сальдоси (0 дан паст)га эга бўлган шаҳарлар.

Биринчи групнага водийдаги йирик шаҳарлар (Анди-

жон, Қўқон, Марғилон, Наманган, Фарғона) киради. Бу шаҳарларнинг аҳолиси механик ўсиш ҳисобига ҳар йили ўртача 1,5 мингдан кўп киши ошмоқда.

Йирик шаҳарлар водийда аҳоли кўп тўпланган, саноат, маданият, аҳоли кўчib турадиган асосий марказлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам улар ўзига катта миқдорда кўчib келадиган аҳолини сифдира олади.

Бу шаҳарларнинг перспектив ривожланиши ҳам меҳнат билан таъминлаш кўламларини кенгайтиришни тақозо қиласди. Шу сабабали меканик ўсиш уларда янада кўп бўлишини кутиш мумкин. Горчаково, Киргили, Ҳамза Ҳакимзода каби шаҳар типидаги посёлкалар ҳам ана шулар жумласиданди.

Иккинчи группага Қувасоӣ, Ленинск ва Чуст каби шаҳарлар, Куйбишев (Риштон), Чимён каби шаҳар типидаги посёлкалар киради. Уларда меканик ўсиш даражасининг пастлиги асосан экономиканинг етарли даражада ва суръатларда ривожланмаганлиги билан изоҳланади.

Учинчи группага Андижон, Жанубий Оламушук, Яйпан ва шу каби шаҳарчалар киради. Булар асосан кўмир, нефть, руда, рангли металл қазиб чиқариладиган ва фойдали қазилмалар запаси тугаши билаюқ ўз аҳамиятини йўқотадиган тоғ-кои саноати марказлариридир. Аҳоли ўзининг асосий тармоғидан бўшагач, мазкур шаҳарчада ўз меҳнатини қўллайдиган ўрин топа олмайди ва бошқа жойга кўчишга мажбур бўлади.

Аҳолининг меканик ҳаракатини ўрганишда миграциянинг интенсивлигини аниқлаш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Миграция интенсивлиги деганда мигрантлар (келган-кетганлар) бир йиллик миқдорининг мазкур шаҳар аҳолиси умумий сонига нисбатини тушунмоқ керак.

Меканик ўсиш кўрсаткичи ўзида мужассамлашган жуда катта ўзгаршлар тўғрисида тўла тасаввур бермайди. Масалан, Фарғона водийси шаҳарлари аҳолисининг бир йиллик меканик ўсишининг ўртача кўрсаткичи (5,6 минг киши) 55 мингдан кўпроқ мигрантнинг у ердан-бу ерга кўчишини, шу жумладан 30,3 минг киши кўчib келгани ва 24,7 минг киши кўчib кетганини акс эттиради.

Тадқиқ қилинган 7йил мобайнида водий шаҳарлари аҳолисининг миграцияси интенсивлигининг ўртача кўрсаткичи 8,8 процентни ташкил этди. Айрим йилларда бу

кўрсаткичдан жиiddий оғиш юз бермади. Масалан, во-
дийда шаҳар аҳолиси миграцияси интенсивлигининг энг
паст кўрсаткичи 1964 йили 7,6 процент, энг юқори кўр-
саткичи эса 9,8 процент (1962 йил) бўлди.

Мазкур кўрсаткич турли шаҳарларда турлича миқ-
дорда бўлади. Масалан, миграция интенсивлигининг энг
юқори коэффициенти 1966 йили Фарғонада (16,2 про-
цент), энг паст коэффициенти Наманганда (4,9 процент)
кузатилди. Миграциянинг юқори интенсивлиги Қувасой
шаҳри учун ҳам (14,8 процент) характерлидир.

Фарғона водийси шаҳар аҳолиси учун характерли
бўлган миграция интенсивлигининг юқорида қайд қи-
линганд юксак кўрсаткичлари бу ерда аҳолининг катта
кўпчилиги ҳар йилги кўчиш-кўчиб келишда иштирок
этишини кўрсатади.

Аҳолининг юқорида кўрсатилган нисбатларда кўчи-
шининг рационаллиги ва иқтисодий асосланганлигига
маълум даражада шуҳба туғилади. Улар миграция жа-
раёнларининг бирмунча стихияли тарзда эканлигини
кўрсатади ва доимо тартибга солиниб туришини талаб
қиласиди.

Шаҳарлар аҳолисининг механик ҳаракати социал-
иқтисодий ҳолатларга табий ўсишдан кўра кўпроқ
боғлиқдир.

Капиталистик тузум шароитида аҳолининг кўчиши
одатда стихияли тусда юз беради, бу ерда ишлаб чиқа-
ришга хусусий мулкчиликнинг ҳукмонлиги, аёвсиз
рақобат миграция ҳодисаларини планли равишда бош-
қаришга тўсқинлик қиласиди. Социализм эса меҳнат ре-
сурсларидан рационал фойдаланиш учун кенг имконият-
лар очиб берди ва ишчи кучини планли равишда тақ-
симлашга асос солди.

Ишчи кучи ва мутахассислар билан таъминлаш қи-
йин бўлган районларни зарур миқдорда ишчи кучи ва
тегишли малакадаги мутахассислар билан таъминлаш
ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг энг му-
ҳим социалистик принципларидан биридир. Мамлака-
тимизнинг шарқий районлари, қўриқ ва бўз ерларнинг
ўзлаштирилиши, дашт районлардаги янги қурилишлар
ва бошқалар ишчи кучини планли равишда қайта тақ-
симлашнинг муҳим намунаси бўлиб, булар халқ хўжа-
лигини ривожлантириш суръатларини оширишга ёрдам
беради, халқларни бир-бирига яқинлаштириш ва кўп

миллатли мамлакатимизни равнақ топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Уз вақтида В. И. Ленин айтган эдикни, аҳоли қўзғалмасдан миллатнинг равнақ топиши мумкин эмас.

Лекин шуни унутмаслик керакки, бу қўзғалиш рационал бўлиши ва иқтисодий районлар бўйича халқ хўжалигини планли ва пропорционал равишда ривожлантириш манфаатларига жавоб бериши керак. Шаҳар аҳолисининг механик тарзда абсолют ва нисбатан ўсишининг юқорида келтирилган юксак кўрсаткичлари баъзи ҳолларда пропорционалдир. Фарғона водийсининг барча шаҳарчалари табиий ўсишининг улар учун характерли бўлган нисбатан юксак кўрсаткичларига эга эканлигидан механик ўсишининг унчалик юксак кўрсаткичларига муҳтожлик сезмайди.

Агар илгари фақат Фарғона водийси эмас, балки бутун Ўрта Осиё (ўзида малакали кадрлар етишмаслиги ва индустрлашнинг юксак суръатларини таъминлай олмагани сабабали) шаҳар аҳолисининг механик ўсиши юксак даражада бўлишига объектив эҳтиёж сезган бўлса, эндиликда бунинг учун қатъян зарурат йўқ.

Аҳолининг ортиқча механик ҳаракати халқ хўжалиги нуқтаи назаридан иоқулай бўлган қатор салбий иқтисодий оқибатларга олиб келади. Бунинг устига аҳвол яна шу билан ҳам мураккаблашадики, миграция оқимларининг асосий қисми, улар ҳаракатининг йўқолиши, состав ва структураси ҳар доим ҳам етарли равишда планлаштирилавермайди ва кўп ҳолларда стихияли тарзда юз беради, бу эса ишлаб чиқариш кучларини социалистик йўл билан жойлаштириш талабларига ва давлатимизнинг хўжалик сиёсатига мутлақо жавоб бермайди.

Фарғона водийси шаҳарларига асосан Сибирь районларидан ва РСФСР марказидан кўчиб келган кишилар жойлашмоқда. В. И. Переоведенцевнинг тадқиқлари кўрсатганидек, ҳозирги лайтда Ўрта Осиё, Сибирь ва Узоқ Шарқ ўртасида аҳоли алмашиш жараёнида аҳолининг Ўрта Осиёга, шу жумладан Фарғона водийсидан кўплаб кўчиб келишига йўл қўйилмоқда. Миграциянинг бу гарзда йўналтирилиши СССРнинг бошқа иқтисодий районларини ривожлантириш манфаатларига зиддир. Чунки бундай ҳолда ишчи кучини меҳнат ресурслари билан таъминлаш қийин бўлган районлардан меҳнат

ресурсларни ортиқча районларга ортиқча тақсимот юборишина йўл қўйилади.

Миграция жараёнининг нисбатан стихияли тарзда йўналтирилиши яна шунга олиб келмоқдаки, водий шаҳларига асосан паст малакадаги касб эгалари қўчиб келмоқда.

Ишчи кучининг малака даражасини тўла мувофиқлаштириш ва меҳнат ресурсларини Фарғона водийси ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш даражасига жаёб берадиган ҳолда кўпайтириш учун зарур суръатга эришини мақсадида профессионал-техника таълимни тармоқларини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш лозим.

Айни пайтда сафарбарлик даражаси сустлиги билан ажралиб турадиган қишлоқ аҳолиси асосий таянч бўлиши керак. Қишлоқ аҳолисини шаҳарга интенсив жалб этиш йўли билан ишчи кучини Ўрта Осиёдан чекка районлардан кўчириб келишни камайтириш учун маълум даражада имконият яратилади ва Фарғона водийсида урбанизация жараёнини фаол ривожлантиришга эришилади.

Аҳоли миграцияси жараёнларини янада рационаллаштириш ва тартибга солиш зарурати бутун мамлакат бўйича ташкилий-хўжалик ва социал-иқтисодий тадбирларнинг ягона системаси амалга оширилишини тақозо қиласди. Улардан асосийлари қўйидагилардан иборат:

1. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яқинлаштириш;

2. Мамлакатнинг турли районларидаги аҳоли турмуши даражасида бир хил нисбатларни вужудга келтириш;

3. Шимол, Узоқ Шарқ, Сибирь, Ўрта Осиё даштининг оғир шаронтларида ишлаётганлар учун маълум имтиёзлар белгилаш.

АҲОЛИНИНГ МИЛЛИИ ВА СОЦИАЛ ТАРКИБИ

Совет даврида узоқ вақтдан бери ва жадал суръатлар билан давом этажсан аҳоли миграцияси жараёнлари Фарғона водийси шаҳар аҳолисининг ҳозирги миллий ва социал таркибиға сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Водий шаҳарлари аҳолиси Ўрта Осиёning барча шаҳар аҳолиси сингари кўп миллатлилиги билан ажралиб

туради. Ерли миллат — ўзбеклардан ташқари Фарғона водийси шаҳарларида кўплаб руслар, татарлар, украинлар ва бошқа миллат вакиллари истиқомат қилишади.

Фарғона водийси шаҳарларида Совет Иттифоқининг жами 30 дан кўпроқ йирик миллат вакиллари ягона дўстона оила бўлиб яшамоқдалар.

Воднийдаги жами шаҳар аҳолисининг ярминдан кўпрогини ўзбеклар ташкил қиласди. Аҳолининг умумий сонида ўз салмоғига кўра руслар иккинчи ўринда туради. Водий шаҳарлари аҳолисининг миллий таркибида русларнинг салмоғи барча аҳолининг учдан бир қисмига тенгдир.

Фарғона водийси шаҳар аҳолисининг кўп миллатлиги азалдан бошланган. Европалик халқлар (руслар, украинлар ва бошқалар) бу ерга асосан Ўрта Осиё Россияга қўшиб олингандан кейин (1860—1865 йиллар) кела бошлаганлар. Кейинроқ русларнинг келиши янада кучайди.

Ўйғурлар бу ерга XIX аср 70-йилларнинг охири ва 80-йилларнинг бошида кўчиб келганлар.

Шаҳар аҳолиси умумий сонининг кўпайиши, юқорида қайд қилинганидек, Совет даврида фақат табиий ўсишнинг юксак суръатлари ҳисобигагина эмас, балки мамлакатимизнинг бошқа районларидан катта миқдорда аҳоли кўчиб келганлиги ҳисобига ҳам юз берди. Европалик аҳолининг кўплаб кўчиб келиши, айниқса, Улуғ Ватан уруши даврида ва урушдан кейинги йилларда кузатилди. Бу, мамлакатимизнинг марказий районларидан кўплаб саноат корхоналарининг шарқий районларга кўчирилиши, шунингдек, бу ерда янги саноат қурилиши авж олдириб юборилиши билан боғлиқдир.

Шуларга кўра Фарғона водийси шаҳарларида европалик ва бошқа номаҳаллий аҳоли сони тез ўди ва абсолют ўсишига қарамай, аҳолининг умумий сонида ўзбекларнинг салмоғи аста-секин камая бошлади.

Айрим шаҳарлар бўйича аҳолининг миллий таркиби ни ўрганиш борасида айрим миллатларнинг жойлашишида жиддий тафовутлар борлиги, шунингдек турли шаҳарлар ва посёлкаларнинг миллий таркибида кўплаб умумийликлар борлиги кузатилди.

Фарғона водийсининг кўҳна шаҳарлари — Андижон, Кўқон, Наманганда аҳолининг умумий сони таркибида маҳаллий миллат вакиллари — ўзбекларнинг салмоғи

катта. Фарғона водийсидаги йирик шаҳарлар ичидаги ўз миллӣ таркиби билан алоҳида ажралиб туради. Шаҳар аҳолисининг кўпчилиги европаликлар бўлиб, бу шаҳарнинг пайдо бўлиши ва унинг аҳолисининг Совет давридаги шаклланиш йўллари билан изоҳланади. Бу Туркистоннинг Россияга қўшиб олиниши билан муҳим маъмурӣ-сиёсий марказ сифатида пайдо бўлган йирик регионал марказлар ичидаги водийдаги ягона янги шаҳардир.

Фарғонанинг жуда ҳам қулай географик ўрни бу ерда кўилаб янги саноат корхоналарини жойлаштириш учун иегиз бўлди. Бу эса европалик аҳолининг маълум даражада кўпроқ кўчнуб келишини тақозо қилганлиги табиий бир ҳолдир.

Ўрта Осиё шароитида деярли барча шаҳарларнинг аҳолиси асосан сабиқ европалик аҳолидан кўпаймоқда. Маҳаллӣ миллатнинг сафарбарлиги суст бўлганлиги сабабли қишлоқ аҳолисини шаҳарларга кўчириш нисбатан жуда кам юз берадиган, шунингдек ўзбекларни бир шаҳардан иккинчи шаҳарга кўчириш жуда ноинтенсив равишда бормоқда.

Шунга кўра Ўрта Осиёдаги, шу жумладан Фарғона водийсидаги кўпгина янги шаҳарлар аҳолиси таркибида европалик аҳолининг салмоғи юксаклиги кузатилади. Бу яна шу нарса билан изоҳланадики, Фарғона водийсининг шаҳар аҳолиси таркибида европаликларнинг салмоғи нисбатан катта.

Улуг Октябрь революцияси ғалаба қозониши ва СССРда социалистик жамият қурилиши натижасида аҳолининг социал таркибида туб ўзгаришлар рўй берди. Революциягача Россияда аҳолининг асосий қисми дехқонлар, кустарлар ва ҳунармандлардан иборат эди. Улар аҳоли умумий сонининг учдан икки қисмини ташкил этарди. Ишчилар ва хизматчилар эса аҳоли умумий сонининг атиги 17 процентини, помешчиклар, буржуазия ва қулоқлар—16,3 процентини ташкил этарди.

Фарғона водийсида кустарлар, ҳунармандлар, дехқонлар революциягача аҳолининг 90 процентга яқинини ташкил қиласади. Ҳозирги пайтга келиб Фарғона водийси аҳолисининг социал таркиби тубдан ўзгарди.

Водийнинг бутун экономикасини ривожлантиришда саноат катта роль ўйнай бошлади. Маълумки, саноат кўплаб малакали ишчи кучи талаб қиласади. Фақат саноат-

дагина эмас, балки халқ хўжалигининг барча соҳаларида кўплаб кадрлар стишиб чиқди. Буларнинг ҳаммаси Фарғона водийси шаҳар аҳолисининг социал структурасини кучли равишда ўзгартириб юборди.

Хозирги пайтда Фарғона водийси шаҳар аҳолисининг асосий қисмини ишчилар ва хизматчилар ташкил этади; уларнинг аҳоли умумий сонидаги салмоғи 85 процентдан кўпроқдир. Бошқа ижтимоий гуруҳлар (колхозчилар, яккаҳол дэҳқонлар, кооперативларга уюшган кустарлар)нинг салмоғи йил сайин кескин камаймоқда. Бироқ водийдаги шаҳар аҳолиси умумий сонида уларнинг салмоғи, ҳозирча нисбатан катта. Бу ерда колхозчилар, яккаҳол дэҳқонлар, кустарлар ва бошқа ижтимоий гуруҳларнинг шаҳар аҳолиси умумий сонидаги салмоғи Иттифоқ бўйича кўрсаткичдан қариб 10 процент юқори. Айни пайтда Иттифоқ бўйича кўрсаткич бор-йўғи 3 процентни ташкил этади. Бу Фарғона водийсининг биз юқорироқда тилга олган кўплаб хусусиятлари, жумладан, қишлоқ аҳолиси юқори даражада зич бўлган ҳолда аҳоли кўп яшайдиган водий эканлиги билан изоҳланади.

Фарғона водийси аҳолисининг миллий ва социал таркибида Совет даврида юз берган туб структурали ўзгаришлар бу ерда социалистик тузум ғалабасининг ва шунинг негизида халқ хўжалигининг тубдан реконструкция қилиниши, водийнинг аграр райондан нисбатан ривожланган ва янги илғор техника билан қуролланган саноатга эга бўлган аграр-индустрисал районга айланганинг самарасидир.

АҲОЛИНИНГ ЖИНС-ЁШ ТАРКИБИ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ

Водийда шаҳар аҳолисининг жинс-ёш таркиби у ёки бу район тараққиётининг мураккаб социал-иқтисодий шароитлари таъсири остида шаклланади.

Фарғона водийси шаҳарлари аҳолисининг жинс бўйича ҳозирги таркиби революциядан олдинги таркибидан кескин фарқ қиласди. Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинишига қадар Фарғона водийси эркаклар хотин-қизларга нисбатан анча кўплиги билан ажralиб турарди. Буни қатор социал-маиший факторлар — хотин-қизларнинг зиммасига оғир меҳнат юкланганлиги, уларнинг жами-

ятда ҳақ-хуқуқсизлиги, эрта турмушга чиққанлиги оқи-
батида хотин-қизлар ўртасида ўлим даражасининг юк-
сак бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўрта Осиё Россияга қўшиб олингач, мустамлакачи-
лар оқими билан келган аҳоли орасида эркакларнинг
кўплиги, Фарғона водийси шаҳарларида ҳарбий қисмлар
жойлашганилиги сабабли аҳолининг эркаклар қисми яна-
да кўпайиб кетди. 1897 йилда водий шаҳарларида аҳоли
умумий сонининг 56 процентини эркаклар ташкил этди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қо-
зонгандан кейин бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби Фар-
ғона водийсида ҳам аҳолининг ўлимини, айниқса хотин-
қизларнинг ўлимини кескин камайтиришга қаратилган
социал-иқтисодий тадбирлар (хотин-қизларнинг озод-
ликка чиқарилиши, соғлиқни сақлашнинг тез ривожла-
ниши ва бошқалар) натижасида водий шаҳар аҳолиси-
нинг жинсий нисбатлари меъёрига кела бошлади. 1939
йилга келиб водийдаги шаҳар аҳолиси таркибида эркак-
лар ва хотин-қизлар нисбати 51 : 49 ни ташкил этади.

Фарғона водийси шаҳар аҳолисининг ҳозирги жинсий
нисбатида асосан эркак аҳолининг камайишига бевоси-
та таъсир қилган Улуғ Ватан уруши кучли из қол-
дирди.

Бу ерда ҳам худди бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби
жинсларнинг кўпчиликни қисман хотин-қизлар ташкил
этган нисбати аҳолининг асосан катта ёшдаги группаси
ҳисобигадир. Бу группа таркибида хотин-қизлар кўпчи-
ликни ташкил этади. Аҳолининг хотин-қизлар қисми
водийнинг шаҳар аҳолиси умумий сонида эркаклардан
ортиқчалиги 20 ёшдан юқорида қайд қилинади. 20 ёш-
гача бўлган аҳоли ўртасида эса аҳолининг эркаклар
қисми анча ортиқчалигини кузатиш мумкин.

Жинслар нисбатининг айрим ёзи группалари бўйича
кузатиладиган фарқи Улуғ Ватан урушининг кўплаб
салбий демографик оқибатларидан биридир.

Хотин-қизларнинг энг кўп нисбатга эга бўлишини
аҳолининг 45 ёшдан 55 ёшгacha группаси таркибида кў-
риш мумкин. Бу группада эркаклар ва хотин-қизлар
нисбати 93 : 61 ни ташкил этади. Маълумки, бу группаси
кирадиган эркаклар Улуғ Ватан урушининг энг актив
иштирокчилари бўлганлар. Ҳозир биз сўз юритаётган
группа эркаклари уруш ўйларида никоҳ қилишнинг
энг актив ёшида (18—28 ёш) бўлганлар.

Бу ҳол аҳолининг фақат ҳозирги жинсий таркиби гагина таъсир қилиб қолмай, балки табиий ўсишнинг ҳозирги патижаларида ҳам акс этмоқда.

Фаргона водийси шаҳарларида эркаклар ва хотин-қизлар сони ўртасидаги нисбатининг ўзгариши фақат айрим ёни группалари бўйичагина эмас, балки аҳолининг қайси миллат ёки этник группага мансублигига қараб ҳам юз бермоқда.

Фаргона водийси аҳолисининг характерли ва алоҳида ажralиб турадиган фарқларидан бири, айниқса, ўзбеклар орасида хотин-қизларга нисбатан эркакларниң кўплигидир. Водий шаҳарларида европалик халқ (рус, украин, татар ва бошқалар) ўртасида эса эркакларга қараганда хотин-қизлар кўпроқ. Айниқса руслар орасида хотин-қизларниң эркакларга нисбати жуда юқори. Улар эркакларга нисбати қарийб 40 процент ортиkdir.

Кейинги йилларда фақат Фаргона водийсида эмас, балки бутун Ўрта Осиёда шаҳар аҳолиси жинсий нисбатининг тенглашиш тенденцияси кузатилмоқда. Бунга шаҳар аҳолисининг туғилиш кўрсаткичи юксаклиги ва ҳар йили қизларга қараганда ўғил болаларниң бирмунча кўп туғилаётганлиги сабабчидир. Бу ерда жинсларниң тенглашувига шаҳар аҳолисининг механик ўсиш кўрсаткичлари нисбатан юксаклиги ҳам бевосита таъсир қилаётир. Чунки миграция оқимида асосан эркаклар иштирок этадилар.

Бу, юқорида қайд қилинганидек, туғилиш даражасининг юксаклиги ва аҳолининг, айниқса болаларниң ўлими тўхтовсиз камайиб бораётганлиги билан изоҳланади. Бунга соғлиқни сақлаш ишларининг туғилиш даражаси оширилишини ва болаларниң ўлиши кескин камайтирилишини таъминлайдиган даражада тўхтовсиз ривожлантирилаётганлигига партия ва ҳукуматимизниң болалар ва оналар тўғрисидаги доимий гамхўрлиги, аҳолининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжлари қондирилаётганлиги ва турмуш шаронти яхшилаётганлиги ёрдам бераётир. Бу ерда туғилаётган ҳар 1000 бола ҳисобига 1 ёшгача ўлганлари 36 кишинى ташкил этади. Бу, Иттифоқ кўрсаткичи билан баравардир.

Алоҳида шаҳарлар ва уларниң группаларини ҳажмига қараб текширилганда аҳолининг ёш структурасида баъзи тафовутлар мавжудлиги кўзга ташланади.

Турли шаҳарлар группаси ва алоҳида шаҳарларнинг ёш структурасида кўрсатилган тафовутлар Фарғона водийсидаги айрим шаҳарлар бўйича шаҳар аҳолисининг табиий ҳаракатида юқорида кўрилган тафовутларнинг маълум даражадаги тўғридан-тўғри аксиdir.

Ёши кичик группалар салмоғининг йирик шаҳарларда нисбатан камлиги, кичик шаҳарларда катталиги йирик шаҳарларда туғилиш даражасининг пастлиги ва шунга мувофиқ аҳоли табиий ўсишининг камлиги, кичик шаҳарларда эса бу кўрсаткичларнинг нисбатан юқорилигининг натижасидир.

Умуман водий ва алоҳида шаҳарларнинг шаҳар аҳолиси ёш структурасида ёши кичик группанинг, шу жумладан болаларнинг юқоридагидек катта салмоққа эгалиги шаҳарлардаги меҳнат ресурслари сонига бевосита таъсир қиласидир.

Ишчи кучидан фойдаланиш проблемасини янада рационал ҳал этиш мақсадида меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳолини, унинг ижтимоий меҳнат билан бандлик даражаси ва характеристики ҳисобга олиш халқ ҳўжалиги учун жуда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги пайтда умуман мамлакатимиз бўйича ва алоҳида иқтисодий районлар, шаҳарлар бўйича ишчи кучидан рационал фойдаланиш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда ишга қобилиятли ёш чегараси қилиб хотин-қизлар учун 16 дан 55 гача, эркаклар учун 16 дан 60 гача ёш қабул этилган. Ана шу ёшдаги аҳоли мамлакатимизнинг асосий ишчи кучини ташкил этади.

Мамлакат, алоҳида иқтисодий район, шаҳар аҳолиси таркибидаги ишга қобилиятли аҳолининг сони аҳолининг табиий ўсиш даражасига, жинс-ёш структурасига, меҳнат ҳаракати кўрсаткичига ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

Меҳнатга қобилиятли аҳоли сони Фарғона водийси шаҳар аҳолисининг ярмидан сал кўпроғини ташкил этади. Бу ерда бу кўрсаткич Ўзбекистондаги ишга қобилиятли шаҳар аҳолисининг салмоғидан, СССРдаги барча меҳнатга қобилиятли аҳолининг умумий аҳоли таркибидаги салмоғини белгилайдиган умумиттироқ кўрсаткичидан анча камдир.

Водийдаги меҳнатга қобилнятли шаҳар аҳолиси сал-

могининг нисбатан камлиги бу ерда аҳоли сонининг табиий ўсиш кўрсаткичлари анча юқорилиги билан изоҳланади. Бу эса аҳолининг умумий сонида болалар ва ўсмирлар салмоғининг кўпайишинга олиб келади ва меҳнатга қобилиятли аҳолининг салмоғига бевосита таъсир қиласди.

Шундай қилиб, водийдаги биз сўз юритган ёш структураси 16 ёшгача болалардан иборат анчагина меҳнат ресурслари резерви ва аҳолининг янги-янги контингентини ижтимоий ишлаб чиқарнишга доимо жалб қилиб туриш имконияти мавжудлиги нуқтаи назаридан умуман қулайлик туғдиради.

АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳозирги пайтда Фарғона водийсининг шаҳар аҳолиси учун худди бутун СССР аҳолиси учун бўлгани каби характерли нарса шуки, унинг меҳнатга қобилиятли қисми ижтимоий-фойдали фаолият билан, яъни меҳнат, ўқиш, бола тарбияси, хусусий ёрдамчи хўжаликни ва ўй хўжалигини юритиш билан тўла банд.

Айни пайтда водийдаги меҳнатга қобилиятли шаҳар аҳолисининг иш билан бандлиги баъзи фарқ қилувчи хусусиятларга эгадир. Жумладан, водийдаги шаҳар аҳолисининг меҳнат ресурслари умумий сонида ўй хўжалиги, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш, болалар тарбияси билан шугулланувчи хотин-қизларнинг улуши нисбатан каттадир. Уларнинг шаҳарлар ва посёлкалардаги барча меҳнат ресурсларидағи салмоғи қарийб 20 процентни ташкил этади.

Бу Ўрта Осиё шаҳарларининг маҳаллий аҳоли оиласида тугилиш юксак даражадалиги ва силаларнинг нисбатан катта, ўрталиги билан боғлиқ бўлган характерли хусусияти ҳисобланади.

Маҳаллий миллат хотин-қизларини ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётга жалб этиш, мактабгача ва мактаб муассасаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш натижасида болалик аёлларнинг халқ хўжалигига бандлиги йил сайин ошмоқда.

Бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби Фарғона водисида ҳам меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари нисбатан юксаклигига ва техника тараққиётининг катта муваффақиятларига қарамай, саноат ва маданиятнинг тезлик

билин ўсиини негизида меҳнатга қобилиятли аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишда юксак даражага эришилди. Шаҳарларда бутун меҳнат ресурсларининг қарший 70 проценти, водийдаги ижтимоий ишлаб чиқариши жараёнларида банд бутун аҳолининг 40 процента бевосита ижтимоий меҳнат билан шуғулланади. Фаргона водийиси шаҳарларидаги меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси умумиттифоқ даражасига деярли тенгdir. Коммунизм қурилиши авж олдирилган даврда ижтимоий меҳнат доиралари доимо кенгайиб, хусусий меҳнат кўламлари торайиб боради. Халқ хўжалигида банд кишилар сони узлуксиз кўпаяверади, шу йўсинда ишга қобилиятли аҳолининг бевосита ижтимоий меҳнат билан бандлиги ошаверади. Бу ишга қобилиятли ёшдаги аҳолининг табиий кўпайиши ҳисобига ҳам, хусусий ва ижтимоий меҳнат доиралари ўртасида меҳнат ресурсларининг қайта тақсимланиши ҳисобига ҳам юз беради. Мамлакат халқ хўжалигида аҳолининг иш билан таъминланиши ўсган сари ижтимоий меҳнат доирасида, моддий ишлаб чиқариш тармоқлари билан ишлаб чиқармайдиган тармоқлар ўртасида, халқ хўжалигининг турли тармоқларида группалар ўртасида меҳнат ресурслари қайта тақсимланади.

Меҳнат ресурсларининг иш билан бандлиги структурасини ўрганиш шаҳарлар аҳолисини ўрганиш билан боғлиқ масалалар орасида муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки у ишлаб чиқаришнинг тармоқ структураси билан чамбарчас боғланган ва мавжуд ёки энди вужудга келаётган халқ хўжалик ва территориал пропорциялар ва комплексларни таҳлил этишда қўшимча белги бўлиб хизмат қиласди.

Меҳнат ресурсларини рационал тақсимлаш масаласи иш билан банд шаҳар аҳолисини халқ хўжалигида тармоқлар бўйича тақсимлашни ўрганишга ундаиди.

Иш билан банд шаҳар аҳолисини тармоқлар бўйича тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги структурали силжишлар прогрессив характерга эга бўлиб, экономика ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқларни ўзида акс эттиради.

Тадқиқ қилинган давр мобайнида халқ хўжалигининг деярли ҳамма тармоқларида ходимлар сони ўсган. Бошқарув аппарати ва жамоат ташкилотларининг ходимлари, шунингдек кейинги йилларда анча камайиб кетган

қишлоқ хўжалик ходимлари буидан мустасно. Бу Фарғона водийси шаҳарларида саноатнинг янада тараққий этганлиги, ҳалқ хўжалигига раҳбарлик системасининг такомиллашганиниги, қишлоқ хўжалиги ва бошқариш аппаратида банд бўлган аҳолининг ижтиёдий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларига ўтганлиги билан изоҳланади.

Аҳолининг моддий ишлаб чиқариш тармоқлари — саноат, транспорт ва алоқада иш билан бандлиги даражаси айниқса юксакдир.

Ҳалқ хўжалигига хизмат қиладиган тармоқлар ичиде маориф, фан, соғлиқни сақлаш нисбатан юксак суръатларда ривожланаётгани билан ажралиб туради. Моддий бойлик ишлаб чиқармайдиган тармоқларда банд кишиларнинг деярли 70 проценти ана шу тармоқларда ишлайди.

Совет даврида водийнинг моддий бойлик ишлаб чиқарадиган тармоқларида ишлайдиган шаҳар аҳолиси сони жуда тез кўпайди. Ҳалқ хўжалигининг моддий бойлик ишлаб чиқарилмайдиган доирасида банд аҳоли сонининг ўсиш суръати эса анча паст бўлди.

Кейинги йилларда бу ерда бутун Ўзбекистондаги сингари аҳолининг моддий бойлик ишлаб чиқармайдиган, аҳолига бевосита хизмат қиладиган тармоқларда, соғлиқни сақлаш, маориф, тураг, жой-коммунал хўжалик ва машний хизмат кўрсатиш соҳаларида бандлиги секин-аста ўсиб бораётганлиги тенденцияси кузатилмоқда.

Кейинги йилларда моддий бойлик ишлаб чиқарилмайдиган доирада иш билан банд кишилар салмоғи ошиб бориши тенденцияси яққол сезилмоқда. Бу замонавий янги техника ва фанга асосланган, моддий бойлик ишлаб чиқарилмайдиган тармоқлар (фан, маориф ва бошқалар)нинг кескин кенгайтирилишини тақозо қиласидиган моддий бойлик ишлаб чиқаришнинг ўзини ривожлантириш билан боғлангандир.

Бундан ташқари аҳоли моддий фаровонлигининг ва маданий савиясининг оширилиши соглиқни сақлаш, маориф, маданият, санъат, тураг жой-коммунал хўжалигини янада ривожлантиришни талаб қиласиди. Бу эса ўз навбатида хизмат кўрсатувчи ходимлар сонининг кўпайишига олиб келади.

Фарғона водийси шаҳарларида ишчи кучидан янада самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари уларнинг демографик ва иқтисодий ривожланиш хусусиятларига бевосита боғлиқдир.

Демографик потенциалнинг узлуксиз ўсиши ва анчагина миқдорда меҳнат ресурсларининг мавжудлиги шаҳарларда иш билан бандлик доирасини кенгайтириш, энг аввало, ишлаб чиқаришининг оғир меҳнат талаб қиласидиган тармоқларини ривожлантириш проблемасини излари суради. Потенциал ишчи кучининг анчагина қисми меҳнат билан банд бўлиши мумкин деб ҳисобланган моддий ишлаб чиқариш доираси, шубҳасиз, энг катта демографик доирадир. Шаҳарларнинг ўз структурасига кўра нисбатан суст ва номураккаб ривожланганлиги сабабли келгусида меҳнат билан банд қилиш доирасини водий шаҳарлари халқ хўжалигининг индустрисал тармоқларида тағин ҳам ривожлантириш зарурати туғилмоқда. Айни пайтда шаҳарлар саноатининг тармоқ структурасини янада такомиллаштириш ва мураккаблаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу эркак ишчи кучининг ҳам, хотин-қиз ишчи кучининг ҳам меҳнат билан рационал банд қилинишини маълум даражада таъминлайди ва ижтимоий ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш имконини беради.

Шаҳарларда моддий бойлик ишлаб чиқариш доираси уларнинг индустрисал ривожи базасида янада тараққий этади. Айни пайтда бу халқ хўжалигининг моддий бойлик ишлаб чиқарилмайдиган тармоқларида меҳнат билан бандлик ҳажмининг кенгайишига сабабчи бўлади. Моддий ва номоддий ишлаб чиқариш доирасини ривожлантиришда номоддий ишлаб чиқаришни ривожлантиришининг тезроқ суръатлари вужудга келтирилган таҳдирдагина белгиланган йўналишга эришиш мумкин. Шу нуқтаи назардан олганда, ишлаб чиқаришга хизмат қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган тармоқлар ва водий шаҳарларининг аҳолиси ишчи кучининг меҳнат билан бандлик даражасини ошириш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда муҳим звено бўлиб хизмат қиласиди.

Фарғона водийси шаҳарларида ишчи кучидан янада самарали фойдаланиш ишидаги мазкур йўналишни

линиқдас шаҳарлар, айниқса кичик ва ўртача шаҳарлар аҳолисига бевосита хизмат қиладиган доиранинг ҳали етарли ривожланмаганлиги сабабли янада муҳимроқ бўлиб майдонга чиқади. Бу проблемани ҳал этиш фақат ишчи кучини меҳнат билан рационал банд қилиш нуқтани назаридангина муҳим аҳамиятга эга эмас, балки унда чуқур социал-иқтисодий мазмун мужассамлашгандир. Шаҳарларда ва айниқса кичик шаҳарларда ҳамда шаҳарчаларда хизмат кўрсатиш доирасини янада тез суръатлар билан ривожлантириш шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, турли таҳсисатиқ тартибдаги шаҳарлар билан бутун урбанизация жараёпларини ривожлантириш йўналишларини сифат жиҳатидан яхшилаш ўртасидаги муҳим тағовутларни бартараф этишининг баъзи вазифаларини ҳал этишда жуда катта аҳамият касб этади.

Келгусида Фарғона водийси шаҳарларида ишчи кучидан самараали фойдаланишининг асосий йўналишларидан бири шаҳарлариниг ҳалқ хўжалигиги профили ва аҳолиси сонига қараб ҳажмидан келиб чиқадиган турли функционал типлари ўртасида меҳнат ресурсларини тақсимлашда илмий асосланган мувофиқликни таъминлашдан иборатдир. Бу йўналиш бутун Фарғона водийсида ишчи кучини тақсимлаш ва ундан фойдаланишда территориал пропорцияларни янада такомиллаштиришдек умумий проблеманинг муҳим таркиби қисмидир.

Турлича функционал типдаги шаҳарларда ишчи кучидан фойдаланишиниг турлича проблемалари ва уларда аҳолининг иш билан бандлигини такомиллаштириш йўллари пайдо бўладики, булар фақат демографик таркибдангина эмас, балки ҳар бир конкрет шаҳарнинг иқтисодий мазмунидан келиб чиқади. Фарғона водийсидаги шаҳарларнинг ҳаммаси учун ишчи кучини иш билан банд қилишининг умумий проблемаси мавжуд бўлгани ҳолда уларнинг ҳар бири алоҳида ҳолида меҳнат ресурсларини шакллантириш, уларни тақсимлаш ва фойдаланишда ўзинга хос специфик хусусиятларга эгаки, меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражасини янада рационаллаштириш йўллари ана шунга боғлиқ бўлмоғи керак.

Баҳоси 6 т.

Индекс